

9-10-2020

SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF CREATING SYSTEM OF TRAINING HONEST PERSONNEL

Sarvar Polatjon ugli Tojiboev
Teacher of Fergana State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Tojiboev, Sarvar Polatjon ugli (2020) "SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF CREATING SYSTEM OF TRAINING HONEST PERSONNEL," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 36.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF CREATING SYSTEM OF TRAINING HONEST PERSONNEL

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

нашриёти, 1983,55-бет.

5. Комилов Н. Хатолар бор, аммо... “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992, 15 май.
6. Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубоийлар, 147-бет.

ҲАЛОЛ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Тожибоев Сарвар Пулатжон ўгли
Фаргона давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташиббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизимни яратишнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили келтирилган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашнинг ўзига хос йўли сифатида ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш зарурати асосланган.

Калит сўзлар: кадрлар тайёрлаш, давлат дастури, ҳалол ва садоқатли кадр, коррупция, виждон, ор-номус, гурур.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ СОЗДАНИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ ЧЕСТНЫХ КАДРОВ

Тожибоев Сарвар Пулатжон ўгли
греподаватель Ферганского государственного университета

Аннотация: В данной статье представлен социально-философский анализ создания эффективной системы подбора и подготовки инновационных и самостоятельных, ответственных, предприимчивых, патриотичных и честных кадров. Это также основано на необходимости создания системы подготовки честных кадров как особого способа борьбы с коррупцией.

Ключевые слова: подготовка кадров, государственная программа, честный и лояльный кадров, коррупция, совесть, честь, гордость.

SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF CREATING SYSTEM OF TRAINING HONEST PERSONNEL

Tojiboev Sarvar Polatjon ugli
Teacher of Fergana State University

Annotation: This article presents a socio-philosophical analysis of the creation of an effective system for the selection and training of innovative and independent, responsible, enterprising, patriotic and honest personnel. This is also based on the need to create a system of training honest personnel as a specific way to fight against corruption.

Key words: training personnel, state program, honest and loyal personnel, corruption, conscience, honour, pride.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босиқчида юқори интеллектуал салоҳиятга, теран тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бўлиш билан бирга юксак ахлоқий

сифатларни ўзида мужассам этган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Сабаби юксак ақлий салоҳиятга эга ёки теран тафаккурли раҳбар кадрлар ва мансабдор шахслар билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар ва жинойатлар кадрлар тайёрлаш масаласига янгича ёндашувни ва махсус методикани заруратга айлантirmoқда. Ушбу мақолада жамиятимизда илдиз отган коррупцияга қарши курашнинг ўзига хос йўли сифатида ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш ва кадрлар муаммосига объектив ёндашиш орқали миллий кадрлар тайёрлаш тизимининг фалсафий таҳлили масад қилинган.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ҳам янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усуллари пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермаслигини алоҳида таъкидлаб келмоқдалар[1.55].

Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини фалсафий таҳлил қилишдан аввал ҳалол ва ҳаром сўзларига берилган таърифлар, адабиётларда келтирилган таҳлилларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳалол категориясига қуйидагича таъриф келтирилади. «Ҳалол - ижобий ёки салбий деб баҳоланадиган диний, ахлоқий-ҳуқуқий норма ҳисобланади. Ҳалол («эркин», «боғланмаган») — шариатда мусулмонлар учун рухсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатларга нисбатан айтилади. Қуръон ва ҳадисга кўра, сув, сут, нон, мева ва унинг шарбатлари, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар ва ҳалол қилинган таомлар, кийишга рухсат берилган кийимлар ҳалолдир. Ҳалол меҳнатдан топилган мулк, мерос, ҳадя қилинган нарса, икки томон розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга киритилган маблағ ҳалол бўлади. Кенг маънода - ахлоқшуносликнинг тушунчалари бўлиб, жамият аъзолари зиммасига юклатилган ахлоқий-қуқуқий талабларнинг виждонан бажарилишини ёхуд шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб ошкора ё пинҳона бузилишини англатади»[2.299]. Ҳалоликнинг зидди бўлса нопоклик деб аталиб, у одамларни ҳақорат қилиш, уларга ёмон ном қўйиш, орқасидан гийбат қилиш, тухмат, фирромлик, зинокорлик, ўз сўзини, ичган қасамини бузиш, судхўрлик, порахўрлик, шариат ман қилган йўл билан қилинган савдо-сотикдан топилган ҳар қандай мол-мулкларни қамраб олади. Шариатда нопок ишларга одатланган одам гуноҳкор бўлиш билан бирга ҳаётда хорлик, шармандалик, қашшоқдик ва тузалмас оғир касалликка гирифтор бўлиши таъкидланади.

«Wikipedia» да ҳалоликка «виждон билан, инсоф юзасидан иш тутиш, тўғрилиқ, софлик» деган маъноларни англатиши келтирилади. Демак, ҳалолик ижобий характерга эга бўлган диний-ахлоқий норма ҳисобланиб, шариатда мусулмонлар учун рухсат этилган хатти-ҳаракатларга, ахлоқда эса виждонан бажарилган амалларга нисбатан ишлатилади. Антик дунёнинг машҳур мутафаккири фикрича ҳалол одам шундайки, у қонуний олиши мумкин бўлган неъматлардан озроғини олишга розидир. Аммо бу – ўзининг қонуний ҳаққидан воз кечиш, деган сўз эмас. У табиий ва ҳақиқий неъматларни олишда ўзини

камситмайди, у фақат қонун (миқдорини) аниқ белгилашни унутган нарсаларни олишдагина озгина қаноат қилади[3.159].

Шундай экан, жадал ислохотлар олиб борилаётган жамиятимизда кадрлар масаласига ҳам алоҳида ёнашиб, ўз ишини виждонан бажарадиган, инсоф билан иш тутадиган мутахассислар авлодини яратиш, дину-диёнати ва ахлоқий фазилатлари юксак бўлган маърифатли ёшларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тарқийётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан - миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очик демократик жамият қуриш, ҳаётимзда миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлиги [4.339] келиб чиқмоқда. Бунинг учун «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган бош тамойилга амал қилиш лозим. Бунинг учун, ҳақиқий ҳалол кадрлар авлодини ярата олсагина давлат органлари халққа хизмат қилиши, халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлиши мумкин. Шунингдек, «асосий вазифа, бу - юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантириш»[1.56] керак бўлади.

Ҳалол кадрларнинг янги авлодини яратиш учун инсон капиталига алоҳида эътибор қаратиш, ёшларни том маънода маърифатли қилиш, илмли ва дину-диёнатли қилиб тарбиялаш лозим. Инсон капиталини ривожлантириш учун мамлакатимиз илмий ва гуманитар салоҳиятидан кенг фойдаланиш лозим. Шу муносабат билан илмий ва инновацион фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича шерикликнинг яхлит тизимини шакллантириш керак бўлади.

Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, шу йилларда 1177 нафар мансабдор шахснинг коррупция билан боғлиқ жиноятларда айбланиши жамиятимизда ҳалол ва садоқатли кадрлар тайёрлаш тизимининг ҳақиқий ахволини намоён қилди. Ушбу масалада, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, «Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасимсиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт». Бу борда мамлакатимизда сўнги йилларда алоҳида ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармонида мувофиқ, юртимизда ҳуқуқий таълим ва таълимни тубдан яхшилаш, ҳуқуқий билимларни кенг миқёсда тарғиб этишга қаратилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тасдиқланди.

Шунингдек, сифатли давлат хизмати тизимини яратиш ва унинг фаолиятининг асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришга, давлат хизматига ишга киришга бўлган талабларни, уни ўташни ва яқунлашни тартибга солувчи «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳам давлат органлари фаолиятини шаффофлаштириш, ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш йўлидаги муҳим одимлардан бири бўлди. Зеро, «ҳозирги вақтда давлат ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоли оқилона ва самарали йўлга қўйилмаганлиги сезилмоқда. Энг ёмони бу ҳолат ишимизга ҳалал бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам нимага ишлаб турибди. Бошқа бир идорани қарасангиз иш кўп, вазифа кўп, ишлайдиган одам кадр етишмайди»[5.25-26]. Дарҳақиқат, самарасиз кадрлар менежменти ҳам жамиятимизда мутахассисларнинг самарали фаолиятини чекловчи механизмга айланиб қолганлиги маълум бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайратшижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз[6.491].

Шундай экан, мамлакатимизда кадрлар тарйёрлаш ва уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланишда ушбу жараёнга таъсир қиладиган объектив ва субъектив омилларни чуқур ўрганиш лозим. Бир ҳолатда кадрларга адолатли шарт-шароитнинг мавжуд эмаслиги муаммо бўлса, бошқа вазиятда кадрлар даражасига яраша маош тўланмаслиги уларнинг салоҳиятидан етарлича фойдалана олмасликни келтириб чиқармоқда. Бошқа томондан ақлий салоҳияти юқори кадрларда ахлоқий фазилатлар, юксак виждон, инсофнинг етишмаслиги уларнинг коррупцион ҳолатларга алоқадорлигини келтириб чиқармоқда. Бундай вазиятда янги кадрлар авлодини яратиш ва уларнинг моддий имкониятларини ҳисобга олиш ва уларда юксак ахлоқийлик сифатларини шакллантириш долзарблик касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, 1-том, -Б. 55.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН. 2005. -Б. 299.
3. Арасту. Ахлоқи кабир. -Тошкент.: ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН. 2018. -Б. 159.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. -Тошкент.: Ўзбекистон. 2019. -Б. 339.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017, -Б. 25-26.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Тошкент: «Ўзбекистон». 2018. 2-том, -Б. 491.

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263